



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 11



ТОШКЕНТ-2025

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИБ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Аҳмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллажаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Рахбар Муртазаева МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИДА ИЛМ-ФАННИНГ ФЕМИНИЗАЦИЯЛАШУВИ.....	5
2. Тўлқин Алиев ТОШКЕНТ ШАҲРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	16
3. Нодирабегим Ваисова ВКЛАД Ю.Ф. БУРЯКОВА В ИССЛЕДОВАНИЕ ИСТОРИИ СОГДИАНЫ.....	25
4. Sevara Elmurodova MUSTAQILLIK YILLARIDA MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMIDAGI ISLOHOTLAR.....	32
5. Risqiniso Maxmudova O'ZBEKISTON SSRDA ALIFBO SIYOSATINING GEOSIYOSIY MAQSADLARI.....	38
6. Mohira Matnazarova ILK TEMIR DAVRIDA OROLBO'YI KO'CHMANCHI AHOLISINING IJTIMOIIY-IQTISODIY HAYOTI.....	44
7. Nargiza Raxmatova O'RTA OSIYO XALQLARI MUSIQA MADANIYATI TARIXIDAN.....	48
8. Фаррух Разаков СТАНОВЛЕНИЕ ПОЛИТИЧЕСКИХ И ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИИ С ГОСУДАРСТВОМ ШЕЙБАНИДОВ.....	54
9. Hilola Normamatova CHOCHDA ZARB ETTIRILGAN G'ARBIY TURK XOQONLIGI TANGALARIDAGI DINIY- SIYOSIY RAMZLAR.....	63
10. Нодира Холмонова РОССИЯНИНГ ХИВА ХОНЛИГИДА ЮРИТГАН ИҚТИСОДИЙ - ПУЛ СИЁСАТИ (айрим тадқиқотлар мисолида).....	67
11. Rashid Xolmurodov JIZZAX VILOYATIDA TURIZMNING RIVOJLANTIRILISHI.....	72
12. Davlatbek Qudratov O'ZBEKISTON VA BANGLADESH: ISLOM HAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDA IQTISODIY VA GUMANITAR HAMKORLIK ISTIQBOLLARI.....	79



Нодира Шухрат қизи Холмонова,
тарих фанлари фалсафа бўйича доктори (PhD)
Ўзбекистон Ориентал университети
nkholmonova@inbox.ru

**РОССИЯНИНГ ХИВА ХОНЛИГИДА ЮРИТГАН
ИҚТИСОДИЙ - ПУЛ СИЁСАТИ (айрим тадқиқотлар мисолида)**

For citation: Nodira Sh. Kholmonova. ECONOMIC AND MONETARY POLICY OF RUSSIA IN THE KHIVA KHANATE (based on some studies). Look to the past. 2025, vol. 8, issue 11.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17966930>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Россия империясининг XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлиги устидан юритган пул сиёсати айрим тадқиқотлар асосида таҳлил қилинади. Манбаларда қайд этилган иқтисодий санкциялар, хонликдаги танга муомаласи, уларнинг рус рубли билан нисбатлари, мавсумий курс ўзгаришлари ҳамда чекловлар, 1895 йилдан Молия вазирлигининг мустақил сиёсати кўриб чиқилади. Таҳлил натижалари Россия сиёсатининг мақсади маҳаллий тангани босқичма-босқич сиқиб чиқариш, рублдан фойдаланишни кенгайтириш ва Хива бозорини империял молия тизимига боғлаш бўлганини кўрсатади.

Калит сўзлар. Хива хонлиги, Россия империяси, пул сиёсати, танга, рубль, иқтисодий чекловлар, монетар интеграция.

Нодира Шухрат қизи Холмонова,
доктор философии по историческим наукам (PhD)
университет Ориентал

**ЭКОНОМИЧЕСКАЯ И ДЕНЕЖНАЯ ПОЛИТИКА РОССИИ В ХИВИНСКОМ
ХАНСТВЕ (на яримере некоторых исследований)**

АННОТАЦИЯ

В статье на основе отдельных исследований анализируется денежная политика, проводимая Российской империей в Хивинском ханстве в конце XIX – начале XX века. Рассматриваются упомянутые в источниках экономические санкции, денежное обращение в ханстве, соотношение местных монет с российским рублём, сезонные колебания курса и ограничения, а также независимая политика Министерства финансов с 1895 года. Результаты анализа показывают, что целью политики России было постепенное вытеснение местной монеты, расширение использования рубля и интеграция хивинского рынка в имперскую финансовую систему.

Ключевые слова: Хивинское ханство, Российская империя, денежная политика, танга, рубль, экономические санкции, монетарная интеграция.

Nodira Sh. Kholmonova,
Doctor of philosophy in historical sciences(PhD)
Uzbekistan Oriental University

ECONOMIC AND MONETARY POLICY OF RUSSIA IN THE KHIVA KHANATE (based on some studies)

ABSTRACT

The article analyses the monetary policy implemented by the Russian Empire in the Khanate of Khiva at the end of the 19th and beginning of the 20th century, based on specific research. It examines the economic sanctions noted in the sources, the circulation of coinage in the khanate, their exchange rate against the Russian ruble, seasonal exchange rate fluctuations and restrictions, as well as the independent policy of the Ministry of Finance from 1895 onwards. The results of the analysis indicate that the aim of Russian policy was the gradual suppression of the local currency, the expansion of the use of the ruble, and the linkage of the Khivan market to the imperial financial system.

Index terms. Khanate of Khiva, Russian Empire, monetary policy, tanga, ruble, economic sanctions, monetary integration.

Кириш қисми (Introduction)

Россия империяси Марказий Осиё хонликлари ҳудудида геоиктисодий ва геосиёсий таъсирини кучайтирар экан, Хива хонлиги молия-пул муомаласига ҳам изчил аралаша бошлади. Хонликда қоғоз пуллар эмас, балки олтин (тилла), кумуш (“танга”) ва мис (“пул”) тангалар муомалада бўлган ва асосий бирлик кумуш танга бўлган. Империя ушбу тизимни рус рубли билан мослаштириш, курс ўзгаришларини чеклаш ҳамда савдо оқимларини назорат қилиш мақсадидаги сиёсий қарорлар учун иктисодий пойдевор яратишга интилди.

Хива хонлиги ва Россия ўртасидаги дипломатик алоқаларда асосий масала иктисодий соҳа билан боғлиқ бўлган. Дастлаб келишувчанликка асосланган муносабатлар империянинг “Шарққа юриш” сиёсати оқибатида “куч ишлатиш” йўлига ўтади.

Асосий қисм (Main part)

Мавжуд адабиётлар таҳлили Россия империясининг Хива хонлигидаги пул сиёсати учун қўллаган чораларини уч қисмга ажратиш имконини беради: Дастлабки *босим чоралари* сифатида – иктисодий тақиқлар, қуллар ва асирлар борасидаги сиёсий тазйиқлар. Бунда империя ҳукумати хонликка нисбатан иктисодий устунликни тўлиқ қўлга киритиш учун турли босим чораларидан фойдаланиб кўрди. Кўп ҳолларда бу босим чоралари руслар кутгандек натижани бермайди.

Кейинги чоралардан бири *монетар-институционал* аҳамиятга эга – танга зарбини чеклаш ва тақиқлаш, рублларни кенг муомалага киритиш, “пул бирлашуви” ғояси. Мазкур жараёнда ҳаттоки хонликда соҳта пуллар (рубллар) муомалага киритилганлиги ваз қилиб кўрсатилади ва унинг олдини олиш учун хонликка ҳақиқий рус рублларини кўпроқ киритиш зарурати масаласида тақлифлар киритилади.

Учинчи қўлланган чоралардан бири *коммуникатив ва маъмурий бошқарув билан боғлиқ* – кредит билетларига ишончни оширишга уриниш, Амударё бўлими орқали назоратни кучайтириш билан боғлиқ. Олдинги чоралар натижа бермагач, рус ҳукумати хонликка турли қоғоз кўринишига эга қийматли қоғозларни киритиш ва асосий сув йўли Амударёни назоратга олишга уринади. Ҳаттоки Амударёни эгаллаш учун қатор экспедициялар ҳам ташкил этилади (А. Бекович – Черкасский (1717), Фалкерзал (1804), Ф. Берг (1825)...).

Айниқса, савдо масаласида божхона ва бож тўловларидан ташқари Россия ўзининг манфаатлари юзасидан кези келганда Хива хонлигига иктисодий тақиқларни ҳам қўллаганлигини кўриш мумкин. Бу борада Р.Ю. Почекаев монографиясида қуйидаги маълумотлар келтирилади: рус ҳукумати Хива хонлиги билан ўзаро муносабатлари давомида 1754, 1836 ва 1858 йилларда иктисодий тақиқларни қўллаган [1; 54]. Эътибор қаратилса,

мазкур йиллар икки томонлама муносабатлар совуқлашган (А. Бекович-Черкасский экспедициясидан кейин), рус ҳукумати томонидан В. Перовский ҳарбий экспедициясига тайёргарлик бошланган ҳамда Марказий Осиёга қарши дастлабки ҳарбий ҳаракатлар даврига тўғри келади.

Хусусан, тадқиқотларда кенг ўрганилган ва мушоҳада этилган миссиялардан бири, Н. Игнатов элчилиги саналади. Мазкур ташрифнинг иқтисодий жиҳатдан аҳамияти юқори бўлиб, Россия ҳукумати қатор вазифаларни юқлаб юборади. Айниқса, Каспий ва Орол денгизлари билан бир қаторда хонликнинг ички сув йўли саналган Амударёнинг иқтисодий аҳамияти ортиб, 1858-йилда рус элчиси Н. Игнатов миссиясига юқлатилган вазифалардан бири Амударёда рус кемаларининг эркин ҳаракатига Хива хонини кўндириш бўлган. “Хоразм тарихи” номли асарда мазкур миссия Хива ва Бухоро хонларининг Амударёда рус кемаларининг эркин сузишига рухсат беришига эришганлиги қайд этилади.

Аммо, Н. Игнатовнинг хотираларида қайд этилган маълумотга кўра, Хива хони Саид Муҳаммадхон (1856-1864) бу таклифни рад этади ва рус кемаларига Амударёнинг хонлик ҳудудидан ўтувчи қисмида эркин ҳаракатига ижозат бермайди. Фақатгина Бухоро амири Хива хонлиги рад жавобини берганини билгач, Н. Игнатовга Амударёда (Бухоро ҳудудидан ўтган қисмида) рус кемалари эркин ҳаракатига рухсат берганлигини маълум қилади. Амир Насрулло Хивадан рус кемалари кириб келмаса, табиийки, Бухоро ҳудудидан ўтмаслигиниям яхши билган ҳолда иш юритганлиги маълум бўлади. Рус миссияси кутилган натижани бермагач, хонликка қарши иқтисодий чекловлар янада кучайтирилади.

Натижалар ва муҳокамалар (Results and Discussions)

Мазкур иқтисодий тақиқларни қўллашга дастлаб рус савдо карвонларининг йўлда таланиши баҳона бўлган бўлса, кейинги тақиқлар асосан рус куллари масаласида бўлиб, рус ҳукумати хонликни босиб олиш мақсадида куллар ва асирлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Бунда империя ҳукумати Хивага хонликдаги жамики рус фуқароси бўлган кулларни озод қилиш талабини қўяди. Россия айнан мазкур масаладан хонликка қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлашда баҳона сифатида фойдаланганлиги ҳудудни эгаллаш учун арзирли сабаб қидиришга роса уринганлигини кўрсатади.

Эътиборли томони, мазкур иқтисодий тақиқлар ҳудудий бошқарув вакилларида – Оренбург генерал-губернаторлари И. Неплюев (1754), В. Перовский (1836) ва А. Катенин (1858) лар томонидан қўлланилган бўлиб, улар ўз ҳудудларида Россия ҳукумати номидан ҳам фаолият юрита олганлигидан далолат беради. Р.Ю. Почекаев Ўрта Осиёга қўлланган иқтисодий тақиқлар Европага қўлланганчалик натижа бермагач рус ҳукумати муаммоларни ҳарбий йўл билан ҳал этишга қарор қилди, деб таъкидлайди [2; 65].

Империянинг хонликда ўтказган ва иқтисодий мустақиллигидан айрилишига олиб келган сиёсатларидан бири – бу пул “ислоҳоти”дир. Агар тарихий ҳужжатларга эътибор қаратилса, империя Хива хонлигини тўлиқ рус рубли ҳудудига айлантиришга зўр бериб уринганлиги яққол сезилади. Хусусан, Г.А. Михалева монографиясида XIX аср бошида Осиё департаменти томонидан Хива хонлиги тангаларига оид маълумотлар ва уларнинг қиймати тенглаштирилган нархларга оид маълумотлар кўрсатиб ўтилади [3; 56]. Т.Г. Тухтаметова монографиясида бу борада янада батафсил маълумотлар қайд этилади [4; 49-50].

Маълумки, хонликда қоғоз пул бўлмасдан тилла, кумуш ва мисдан ясалган танга пуллар муомалада бўлган. (1-жадвалдан Хива хонлигида амалда бўлган танга пулларнинг рус рублига қиймати кўрсатилаган):

Танга тури	Номинал номи	Рус рубли эквиваленти
Олтин	Тилла (кичик)	≈ 1 рубль 80 копейка
Олтин	Тилла (катта)	≈ 3 рубль 60 копейка
Кумуш	Танга	≈ 14–20 копейка
Мис	Пул	— (майда бирлик)

Хонликдаги асосий пул бирлиги эса “танга” бўлган. 1893 йилгача хонликда ҳар йили 1 млн.дан ортиқ танга зарб этилган. Хива тангасининг қиймати рус рублига нисбатан доим барқарор бўлмаган. Бунга сабаб йил фаслларидаги маҳсулот таннархининг ўзгариши ва қумушнинг жаҳон миқёсидаги қиймати бўлган. Баҳорда рус ишлаб чиқарувчилари томонидан олинган тайёр хомашё ҳисобига қиймат кўтарилган, ёзда пастлаган ва кузда етиштирилган пахта ва уруғларни сотилиши ҳисобига танга қиймати яна кўтарилган [5; 50]. Хонлик ҳудудида чет давлатлар пул бирлиги қабул қилинмаслиги натижасида рубл паст даражада баҳоланган.

Ҳаттоки, 1878 йилда Амударё бўлими бошлиғи Хива хонига “бизнинг кредит билетларимизга муносабат қийинлигича қолмоқда ва халқ уни ўз ҳолича туширгани туширган...” ҳолатни яхшилаш учун халққа буни махсус йўл билан тушунтириш лозим, мазмунидаги мактуб [6; 114] йўлланишининг ўзиёқ империя ўз пулининг ҳукмронлигини ўрнатишга уринганлигини кўриш мумкин.

Ўз навбатида танга қийматининг барқарор эмаслиги рус савдогарларининг норозилигига сабаб бўлиб, 1890-1891 йилларда рус ҳукуматида бунинг олдини олиш учун бир неча бор илтимосномалар билан чиқади. Натижада, 1892-1893 йилларда Россия молия вазирлиги ташаббуси билан Петербургда “Хива хони фақат подшо рухсати билан “танга” зарб этиши мумкин, “тилла” ва “пул” бундан мустасно тарзидаги қарор чиқарилади. Мазкур фармон асосида Амударё бўлими бошлиғи С.А. Галкин 1893 йилда Хива хонига бундан буёғига танга пулларни зарб этишни тақиқлаганлигига оид маълумотни Р.Ю. Почекаев қайд этади [7; 201]. Муаллифнинг таъкидлашича, 1895 йилдан бошлаб Россия молия вазирлиги Ўрта Осиё масалаларида мустақил фаолият юрита бошлайди. Бунда Хива хонлиги ва Бухоро амирлигида тангани зарб этишни тўхтатиш ва унинг ўрнига мос тушувчи 12 коплик пулларни жорий этиш назарда тутилади. Унгача бўлган даврда мазкур вазирлик Ўрта Осиё билан Россия ҳарбий ва ташқи ишлар вазирликлари орқали алоқа боғлаганлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим [8; 202]. Рус ҳукумати бу масалада, ҳаттоки хонликда фойдаланилаётган рус рублининг маълум қисми сохта эканлигини, бунинг олдини олиш учун ҳақиқий рус рубллари хонликда кенг муомалага киритиш керак деган ваҳми сабаб сифатида кўрсатади. Хусусан, Амударё бўлими бошлиғи ва Хива хонининг аҳоли орасида қиймати 100 рублга тенг сохта пулларнинг муомалага чиқиб кетганлигига оид ёзишмаси (1895 й.)ни далил сифатида келтириш мумкин [9; 1].

Монографияда шунингдек, 1897 йилда Амударё бўлими бошлиғи А.С. Галкин томонидан Россия молия вазирлигига Хивани Россия билан “пул бирлашуви” дастурини таклиф қилганлигига оид маълумот ҳам келтирилади [10; 203]. Шу йўл орқали Россия ҳукумати хонлик пул тизимини рус пул тизими билан бирлаштириш ишини қўлга олади.

Т.Г. Тухтаметова Туркистон генерал-губернатори А.Б. Вревский (1889-1898) мазкур ишни эҳтиёткорлик билан, қаттиқ уринишларсиз амалга ошириш зарурлигини таъкидлаган, дея қайд этади [11; 51].

Гарчи, пул сиёсатидаги бу каби ҳаракатлар самарали тарзда амалга оширилган бўлса-да, Хива хонлиги тўлиқ Россия рубли ҳудудига кирмайди. Бунга сабаб сифатида, Р.Ю. Почекаев Россия империясининг Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини Россия рублига бутунлай ўтказишни мақсад қилган чора-тадбирлари натижа бермасдан, империя қулагунга қадар бунга эришилмаганлиги, бунда ҳукуматнинг хонликлардаги иқтисодий-ижтимоий тузумни етарли даражада ҳисобга олмаганлигини кўрсатади [12; 210].

Хонликнинг Россия рубл ҳудудига кирмаганлигига сабаб қилиб маҳаллий иқтисодий анъаналар, ижтимоий тўсиқлар ва қумуш нархларининг глобал ўзгаришини ҳам киритиш мумкин.

Қатор тарихчи олимлар бу хусусда сўз юритар экан, Россия хонликини тўла итоатда сақлаш учун 1900 йил 16 апрелда император қарори билан хонликда танга зарб қилиш тақиқланганлигини қайд этади [13.1; 238. 13.2; 14]. Бироқ, Ўзбекистон Миллий Архивида сақланаётган ҳужжатлар орасида 1902 йилга оид Амударё бўлими бошлиғи ва Хива хонининг Хива қумуш тангалари масаласида ёзишмалари ҳам ўрин олган бўлиб, хонлик

миллий пуллари кейинчалик ҳам муомалада бўлганлигини кўрсатади [14; 6]. Фақат айтиш мумкинки, император қарори хонлик миллий пулини зарб этишда маълум чекловларни ўрнатган. Сабаби, Амударё бўлими бошлиғи А.С. Галкин 1902 йилда генерал-губернатор Н.А. Ивановга “Хива хонлигида 4 млн рубл миқдорида рус пули ва танга эса 2 млн рубл миқдоридан ошмаган ҳолатда” дея, ҳисобот беради [15; 24].

Хулоса (Conclusion)

Хулоса қилганда, Россия империясининг Хива хонлигида юритган пул сиёсати иқтисодий қурол вазифасини бажариб, сиёсий интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган эди. Келтирилган саналардан Хивада маҳаллий тангани чеклаш, рубллаштиришни рағбатлантириш ва савдони назоратга олиш изчил тарзда олиб борилганлиги кўринади. 1900 йилги тақик эса бурилиш нуқтаси бўлиб, 1902 йилги кўрсаткичлар рублнинг устунлашганини тасдиқлайди. Тўлиқ монетар бирлашув эса амалга ошмади. Шунга қарамасдан, Хива хонлиги деярли иқтисодий мустақилликдан маҳрум бўлди. Бу эса, хонликни ўзига тўлиқ итоат эттиришга, унинг моддий ресурсларини ўзлаштиришга ҳамда иқтисодий жиҳатдан қарам қилишга қаратилган империя сиёсатининг ёрқин намунаси.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Почекаев Р.Ю. Российский фактор правового развития Средней Азии: 1717–1917. – Москва, 2020. – С. 54.
2. Почекаев Р.Ю. Российский фактор правового развития... – С. 65.
3. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII - первой половине XIX века. Ремесло, торговля и пошлины. – Ташкент: «Фан», 1991. – С. 56.
4. Тухтаметова Т.Г. Россия и Хива в конце XIX – начало XX в. – Москва: Наука, 1969. – С. 49-50.
5. Тухтаметова Т.Г. Россия и Хива в конце XIX – начало XX в... – С. 50.
6. ЎзМА. И-125-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш, 114-варақ.
7. Почекаев Р.Ю. Российский фактор правового развития... – С. 201.
8. Почекаев Р.Ю. Российский фактор правового развития... – С. 202.
9. ЎзМА. Жамғарма И-125, И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 331-иш, 1-варақ.
10. Почекаев Р.Ю. Российский фактор правового развития... – Б. 203.
11. Тухтаметова Т.Г. Россия и Хива в конце XIX – начало XX в. – Москва: Наука, 1969. – С. 51.
12. Почекаев Р.Ю. Российский фактор правового развития... – С. 210.
13. Ртвеладзе Э.В., Алимова Д.А. Хорезм в истории государственности Узбекистана. – Ташкент, 2013. – С. 238. Зияева Д.Х. Политические процессы в Хивинском ханстве во второй половине XIX - начале XX в. – С. 14.
14. ЎзМА. И-125-жамғарма, 2-рўйхат, 336-иш, 6-варақ.
15. ЎзМА. И-125-жамғарма, 1-рўйхат, 98-иш, 24-варақ.



Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000